

САЙЁР СУД БЎЛИБ ЎТДИ



“ИЖРО” профилактик тадбир доирасида Қумқўрғон туман ИИБ Пробация гуруҳи, Жиноят ишлар бўйича Қумқўрғон туман суди, Қумқўрғон туман прократураси ҳамкорлигида Қумқўрғон туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳоли бандлиги таъминлаш бўлимида саёр суд ташкил қилинди.

Ўтказилган саёр судда жазо ўташдан буйин товлаб, содир этган жиноятдан ўзига тугри хулоса чиқарман 1 нафар назорат остидаги шахснинг ўталмай қолган жазо муддати оғғироқ жазо турига алмаштирилди.

Шунингдек суд томонидан тайинланган жазо муддатларини ижобий ўтаб, жамиятга фойдали меҳнат қилиб ўзининг ҳулқ-атвори билан қатий тузалиш йулига ўтган 5 нафар назорат остидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 73-моддасига асосан жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.